

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ

**“ЛОГИСТИКА ВА ИНФРАТУЗИЛМАНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ” КАФЕДРАСИ**

“Битирув малакавий иши
ҳимояга тавсия этилди”

“Логистика ва инфратузилмани
ривожлантириш”

кафедраси мудири проф.
Кучаров А.С.

« ____ » _____ 2016 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Харид логистикасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш
усуллари (Ўзбекистон савдо саноат палатаси) мисолида

Илмий раҳбар: кат.ўқ. Боев.О.Х.

Бажарди: “Маркетинг(Логистика)”
таълим йўналиши МРЛ-61 гуруҳи
талабаси Ахмедов Ш.А.

Битирув малакавий иши дастлабки ҳимоядан ўтганлиги 2016 йил ____
майдаги ____-сонли баённома билан расмийлаштирилган.

ТОШКЕНТ – 2016

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-боб. Харид логистикасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқаришнинг назарий ва амалий асослари.....	7
1.1. Моддий оқимлар ҳаракатининг харид логистикасида тугган ўрни.....	7
1.2. Харид логистикасида моддий оқимлар ҳаракатининг бошқариш усуллари мазмуни.....	13
1.3. Моддий оқимлар ҳаракатини ташкил этишда жой ва вақт.....	19
I-боб бўйича хулоса.....	23
II-боб. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон савдо саноат палатасида моддий оқимлар ҳаракатини ташкил этиш.....	24
2.1. Моддий оқимлар ҳаракатинини бошқариш усуллари кўллаш тартиби.....	24
2.2. Ўзбекистон савдо саноат палатасида харид логистикасида моддий оқимларни ҳаракатини бошқариш таҳлили.....	30
2.3. Ўзбекистон савдо саноат палатасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш усуллари харид логистикасига таъсири.....	40
II -боб бўйича хулоса.....	47
III-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида харид логистикасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш усуллари такомиллаштириш.....	48
3.1. Логистикада моддий оқимлар ҳаракатини бошқаришни такомиллаштириш.....	48
3.2. Моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш усуллари кўллаш бўйича баъзи муаммолар.....	55
III-боб бўйича хулоса.....	60
Хулоса ва таклифлар.....	62
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	64

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда Ўзбекистонда харид логистикаси йилдан йилга ривожланмоқда. Иқтисодий ислохотларимизнинг асосий йўналишларидан бири бу экспортга йўналтирилган товарларни ишлаб чиқариш ва импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашдир. «Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга карамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир»¹ Ўзбекистон савдо-санот палатасида олиб борилаётган қатор ишлар, тузилган битим ва шартномаларшулар қаторидадир. Бу эса Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар билан кенг доирадаги ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда харид логистикасида моддий оқимларни ҳаракатини бошқаришни хусусан Ўзбекистон савдо-санот палатасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқаришни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш иқтисодий модернизациялаш шароитидп харид логистикасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш усуллари тақомиллаштириш орқали мамлакатимизда ечимини кутаётган бир қанча муаммолар бартараф этилиши лозимдир. Бу борада қилиниши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб олиш ва уларни амалга ошириш юзасидан дастур ишлаб чиқиш зарур бўлади. Шулардан келиб чиққан ҳолда ушбу битирув малакавий иши мавзуси долзарб ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдор синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги

¹ И.А.Каримов. 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган маърузалари .16.01.2016 йил “Халқ сўзи” газетаси.

улкан ахамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 06.03.2015 даги “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастури тўғрисида” ги қарори Республика ҳудудларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятини таъминловчи илғор инфратузилма тармоқларини ривожлантириш;³.

Муаммони ўрганганлик даражаси. Ўзбекистонда харид логистикасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш, Ўзбекистон савдо-саноат палатасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқарилишини ташкил этилиши, логистик марказларда моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш замонавий усулларини яратиш мақсадида харид логистикаси хизматлар бозорини ўрганиш ва уни амалга ошириш бўйича бир қатор иқтисодчи олимларимиз илмий-амалий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Шунингдек, хорижлик олимлардан Джонсон Дж., Гаджинский В.С., Саркисов Р.С. ҳамда Ўзбекистонлик олимлардан Ш.А.Бўтаев, Ё.К.Қориева, А.Қосимов, И. Ҳамидов, К.А. Дадабоев, М.С.Қосимова, Д.М.Умарова, М.А.Буроновалар каби олимларимиз харид логистикасида моддий оқимларни бошқариш асосларини яратишда фаолият олиб борганлар. Ушбу битирув малакавий ишда муаллиф харид логистикасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқаришни ташкил қилишнинг ривожлантириш истиқболлари масалаларини ўрганишни кўзда тутган.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Ушбу тадқиқодта харид логистикасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқаришни

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2014 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2013 йил 21 майдаги ПҚ-640-сонли қарори

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастури тўғрисида” 06.03.2015 йилдаги ги ПҚ-2313-сонли қарори

ташкил қилишнинг ривожлантириш истиқболлари масалаларини ўрганишдир. Мамлакатимизда харид логистикасида божхона органларини тутган ўрни, харид логистикасида Ўзбекистон савдо саноат палатасида моддий оқимларни назоратини ривожлантириш, моддий оқимлар ҳаракатини бошқаришда янги тамойилларини ишлаб чиқиш, устувор йўналишларини белгилаш, бу борада ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш каби ишларни бажариш муҳим масала бўлиб турибди. Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади ҳам ана шу масалаларни ва бу йўналишдаги харид логистикасида моддий оқимларни ҳаракатини бошқариш усулларини самарадорлигини ошириш устувор йўналишларини ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти. Битирув малакавий ишини объекти бўлиб харид логистикасида моддий оқимларни ҳаракатини бошқариш усуллари ҳамда Ўзбекистон савдо саноат палатасини харид логистикасида моддий оқимларга ойд ривожлантириш истиқболлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети. Битирув малакавий ишининг предмети бўлиб харид логистикасини кенг кўллашда:

- корхоналарда самарали тизими,
- харид логистикаси савдо ва хизмат,
- ишлаб чиқаришда захиралар

Битирув малакави ишининг илмий янгилиги. Мамлакатимизда харид логистикасида моддий оқимларни бошқариш фаолиятини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганишдан иборат.

Бу қуйидагиларда намоён булади:

- Экспортга йўналтирилган ва импорт товарларни ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқаришда харид логистикасининг ўрни;

- Харид логистикасида моддий оқимларни бошқариш усулларини ташкил қилиш самарадорлигини таъминлашда “Ўзбекистон савдо-саноат палатаси” тажрибаси ва устувор йўналишлари;

- Замоनावий омборхона хўжаликларда харид логистикасига қўшувчи хизматларни жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари;

Битирув малакавий ишининг услубиёти ва усуллари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, қарор ва фармонлари, логистик марказларни ва омборхоналарни тартибга солиш масалалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, харид логистик сервисни амалга ошираётган раҳбар-ходимларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйилаётган замоनावий талаблар, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида таълимнинг устувор йўналиш эканлиги ҳақидаги ғоялар, мазкур муаммога оид етук мутахассис олимлар томонидан илгари сурилган назариялар ва қарашлар, илмий тадқиқот ишларидан иборат.

Битирув малакавий иши натижаларининг амалий аҳамияти. БМИнинг мазмун - моҳияти ва уни амалиётга татбиқ этишнинг зарурияти ҳамда самарадорлик даражаси тажриба - синов жараёнида “Ўзбекистон савдо-саноат палатаси” ходимлари ва яна бир қатор логистик хизматлар кўрсатувчи компания ва корхоналар ўртасида ўтказилган анкета-сўров натижаларига кўра аниқланди.

Ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, саккизта банд, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, хулоса ва таклифлар, иловалардан иборат.

I-боб. Харид логистикасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқаришнинг назарий асослари.

1.1. Моддий оқимлар ҳаракатини харид логистикасида тутган ўрни

Бозор муносабатларининг ривожланишига логистиканинг таъсири шундай баҳоланадики, у маҳсулот ишлаб чиқарилишидан то унинг истеъмолигача бўладиган моддий оқимларни ташкил этиш ва бошқаришга кўйиладиган логистика талаблари маҳсулот етказувчи билан истеъмолчи ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Ўзининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида етказиб берувчи, ҳам ҳамкор – истеъмолчи талабларини бажаришга, ҳам маҳсулотни етказиш бўйича шартнома муносабатларивожланиши учун шароитларни яхшилашга интилади.⁴

1. Логистик қарашларга амал қилиш ва горизонтал алоқаларни ривожлантириб, корхоналар бир-бири билан таъсисчиларга хизмат кўрсатиш жараёнида етказиш сифатини оширишда ва маҳсулотни энг кам харажатлар билан етказиб боришда рақобатлашади. Маҳсулот бозорида рақобатбардошликни оширишнинг мустаҳкам усули бўлиб логистика ҳисобланади.

2. Логистика талабларини бажаришнинг муҳим шарти бўлиб маҳсулотни тайёрлаш, омборга жойлаштириш, тушириш, юклаш ва жўнатишга кетадиган харажатларни камайтириш йўллари қидириш ҳисобланади. Транспорт-омбор амалларига кетадиган харажатларни камайтириш кўп ҳолларда рақобатда ва бозор муносабатлари тизимида биринчиликни таъминлайди.

⁴ Гаджинский В.С., "Закупочная логистика" Ўқув қуланма. Санкт Питербург 2009 йил 119 бет

3. Логистик бошқарув механизмининг ривожланиши ва татбиқ этилиши, доимо, молиявий заҳираларни ва бошқа турдаги ресурсларни жалб этиш билан боғлиқ. Логистик тизимнинг ҳамма бўғинларини ишлаш самарадорлигига ва бунда эришиладиган ресурслар иқтисодига умуман иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги, бозор муносабатларининг ривожланиши боғлиқдир.

4. Логистик амаллар ва хизматлар хилма-хиллиги хизмат кўрсатиш бўйича ташкилотларнинг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириш имконини беради. Олдинлари фаолият кўрсатган улгуржи савдо базалари ва ташкилотлари мажмуий хизмат кўрсатувчи воситачи ташкилотларга айланишмоқда, улар корхоналарга турли хил логистик хизматлар кўрсатишади.

Шу билан бирга товар ҳаракатининг ҳар бир босқичи, ўз ўрнида ҳам ишлаб чиқариш жараёнига, ҳам умуман товар ҳаракати жараёнининг ўтишига таъсир ўтказади. Масалан, савдо бозорининг кенгайиши ишлаб чиқариш ва харид қилиш ҳажмининг ўсишига олиб келади. Материаллар етказиб берилишининг вақтинчалик тўхташи ёки уларга қўйилгантаклифнинг кескин ошиб кетиши, материалларни катта миқдорда ва арзонроқ нархда сотиб олиш ҳисобига заҳиралар миқдорининг ортиб кетишига олиб келади.

Логистика харид қилиш, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичларини битта умумий жараёнга бирлаштиради. Логистика орқали материаллар оқимини бошқариш бир бутун, интеграциялашган тизим сифатида амалга оширилади, у хомашё манбаларини қайта ишлашнинг бир нечта босқичларини ва тайёр маҳсулотни сотишни қамраб олади. Тизим остининг алоҳида, локал (хусусий) масалаларидан ишлаб чиқариш ташкилотининг глобал (умумий) мақсадларига ўтиш амалга оширилади.

1 Жадвал

Логистиканинг асосий мақсадлари ва уларни амалга ошириш

бўйича бажариладиган ишлар йўналишлари

Фаолият соҳаси	Логистиканинг асосий мақсадлари	Логистика мақсадларини амалга ошириш бўйича бажариладиган ишлар йўналиши
Материалларни харид қилиш	<ul style="list-style-type: none"> -Минимал нархлар бўйича харид қилишни амалга ошириш. -Келиб тушишнинг ишончлилигини ошириш. -Материалларкелиб тушиши ва қайта ишлаш жараён-ларининг синхронлигини таъминлаш 	<p>Материалларга буюртмаларни шакллантириш.</p> <p>Етказиб берувчиларни танлаш.</p> <p>Материалларнинг келиб тушиш графигини ишлаб чиқиш.</p> <p>Ишлаб чиқаришнинг моддий ва техник таъминотида қатнашувчи бўлинмалар фаолиятини ташкил этиш ва лойиҳалаштириш</p>
Маҳсулот ишлаб чиқариш	<ul style="list-style-type: none"> -Ишлаб чиқариш жараёни-нинг узлуксизлигини таъминлаш. -Олинган буюртмаларни таркиби ва сифат бўйича бажариш. -Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш. -Ишлаб чиқаришни ўзгарувчан талабларга мослаштириш. -Тайёр маҳсулотнинг захира даражасини камайтириш. 	<p>Ишлаб чиқариш жараёнида материалларни ташиш ишларини ташкил этиш.</p> <p>Иш жойларига материалларни етказиб беришни таъминлаш.</p> <p>Ишлаб чиқаришда моддий оқимни бошқариш.</p> <p>Ишлаб чиқаришда материаллар захирасини бошқариш.</p>

<p>Тайёр маҳсулотни сотиш</p>	<p>-Истеъмолчилар талабини қониктириш. -Буюртма ва шартномаларга кўра маҳсулот етказиб бериш. -Етказиб берувчи тизим тайёрлигининг юқори даражада бўлишини таъминлаш.</p>	<p>Маҳсулот истеъмолчилари билан тўғри алоқаларнинг ўрнатилиши, буюртмалар портфели шаклланиши. Истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришни ташкил этиш. Истеъмолчиларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш. Тайёр маҳсулотни омборга жойлаштиришни ташкил этиш. Тайёр маҳсулот захирасини бошқариш.</p>
--------------------------------------	---	--

Манба: Гаджинский В.С., ”Закупочная логистика” Ўқув қуланма. Санкт Питербург 2009 йил 123бет

Моддий оқим – бу вақт оралиғига келтирилган ва ҳар хил логистик амалларни жорий этиш жараёнида кўриб чиқиладиган товар-моддий бойликларнинг йиғиндисидир.

Моддий оқимлар ташиш, омборга жойлаштириш ва хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда тайёр маҳсулотлар билан бошқа моддий амалларни бажариш натижасида юзага келади. Ишлаб чиқаришнинг аниқ манбаидан то истеъмолчигача бўлган оралиқда жойлашган бир турдаги ресурслар йиғиндиси оддий моддий оқимни юзага келтиради. Корхонада шаклланадиган бир нечта оддий оқимлар корхонанинг меъёрий фаолиятини таъминлаб берувчи интеграллашган моддий оқимни ташкил этади.

Моддий оқимларнинг ҳаракатланиш схемаси 1-чизмада келтирилган.

1-чизма



Манба: Гаджинский В.С., ”Закупочная логистика” Ўқув қуланма. Санкт Питербург 2009 йил 123бет

Моддий оқимларнинг ташқи ва ички, кирувчи ва чиқувчи турлари ажратилади.

Ташқи моддий оқим – бу берилган логистик тизимга нисбатан ташқи муҳитда ўтадиган оқимдир.

Ички моддий оқим – бу берилган логистик тизимга нисбатан ички муҳитда ўтадиган оқимдир.

Кирувчи моддий оқим – бу берилган логистик тизимга кираётган ташқи оқимдир.

Чиқувчи моддий оқим – бу берилган логистик тизимдан ташқи муҳитга чиқаётган моддий оқимдир.

Моддий оқимларни бошқариш материаллар ҳаракатининг йўналиш параметрларини аниқлашни кўзда тутаяди, улар қаторига қуйидагилар киради:

- моддий ресурсларнинг номланиши;
- моддий ресурсларнинг миқдори;
- бошланғич нуқта (таъминотчини танлаш);
- охириги нуқта (истеъмолчини танлаш);
- вақт (буюртма бажарилиш муддати).

Молиявий оқим – бу логистика тизимлари ичида, улар ўртасида ва ташқи муҳитда ҳаракатланувчи ҳамда моддий оқимларнинг самарали ҳаракатини таъминловчи молиявий маблағларнинг мақсадли ҳаракатидир. Логистикада молиявий оқимларнинг ўзига хослиги мавжуд товар-моддий ва товар-номоддий бойликлар оқимининг вақт ва маконда ҳаракатланиш жараёнидаги хизматлар эҳтиёжларидан иборат бўлади.

2-жадвал**Молиявий оқимларнинг таснифланиши**

Таснифлаш белгиси	Молиявий оқим тури
Логистик тизимнинг таркибий муносабатлари	Ички, ташқи, кирувчи, чиқувчи
Мўлжалланиши	Харид жараёнига мўлжалланган, инвестиция, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш жараёни моддий харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари
Товарнинг аванслашган кийматини ҳисоблаш бўйича	Асосий фондлар ва айланма маблағлар ҳаракатига боғлиқ бўлган молиявий оқимлар
Хўжалик алоқалари тури бўйича	Горизонтал ва вертикал оқимлар
Ҳисоб-китоб шакли бўйича	Пул (нақд), ахборот-молия (нақдсиз), ҳисоб-молия (ишлаб чиқариш жараёни моддий харажатларининг шаклланиши)

Манба: Алесинская *Т.В.* Основы логистики (Общие вопросы логистического управления): Учебное пособие. -Таганрог: ТРТУ, 2005. с.22.

1.2. Харид логистикасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш усуллари мазмуни

Ишлаб чиқаришда моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш логистик тизимнинг «ўрама» модели ёрдамида амалга оширилиши мумкин. «Ўрама» - логистик занжирнинг алоҳида бўғинларида моддий оқимлар ҳаракати жараёнининг соддалаштирилган таснифи учун хизмат қилади. Моделнинг ҳақиқий объекти сифатида қуйидагилар олинishi мумкин: цех, участка, иш жойлари, омборлар ёки транспорт тизими.⁵

Моддий оқимларнинг ўрамадан ўтишнинг принципиал схемаси 2-чизмада кўрсатилган. Ўрамага келиб тушаётган буюртмалар чизмада ҳар хил катталикдаги шарлар кўринишида тасвирланган. Шар ҳажми буюртманинг меҳнат сиғимига тўғри келади. Тизим максимал ўтказиш имкониятига (қувватига) моддий оқимларни оқилona режаллаштириш (буюртмаларни режали давр бўйича тақсимлаш ва ишларнинг бажарилиш кетма-кетлигини таъминлаш) шарти бажарилганда эришади. Буюртмаларни келиб тушиши ва чиқиб кетиши жараёни «ишга тушириш» ёки «ишлаб чиқаришнинг» синиқ чизиғи кўринишида тасвирланган.

Буюртма циклининг ўртача давомийлиги тугатилмаган ишлаб чиқариш ҳажмидан ва тизимнинг ҳақиқий ўтказиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда аниқланади:

$$T_{\text{ц}} = Z_m / N_{\text{ўрт}}$$


⁵ Умарова Д.М., Бўронова М.А. Логистика. Ўқув қўлланма. Т.: Тош ДТУ, 2012. 147 б.

бу ерда $T_{ц}$ - буюртма бажарилиш циклининг ўртача давомийлиги; Z_T – тугатилган ишлаб чиқаришнинг ўртача миқдори; $N_{ўрт}$ – бир бирлик вақт ичида бажариладиган буюртманинг ўртача сони.

Буюртма бажаришда биринчилик қоидалари. Логистик занжир бўғинларидан буюртмаларнинг ўтиш кетма–кетлиги ишларнинг тақсимланиш (буюртмаларнинг бажарилиш) қоидалари ёрдамида ўрнатилади, яъни бу қоидалар ишлар бажарилишнинг у ёки бу биринчилигини белгилайди.

3-чизма.

Логистик тизимнинг ўрама модели.



Манба: Неруш Ю.М. Логистика: Учебник для вузов. — 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2011. - 389 с.

Моддий оқимларни бошқариш амалиётида қуйидаги биринчилик қоидалари қўлланилади:

- FIFO: «биринчи келди, биринчи кетди», яъни тизимга биринчи бўлиб тушган буюртмага энг катта эътибор қаратилади.
- LIFO: «охирги келди – биринчи кетди», яъни энг катта эътибор охирги келиб тушган буюртмага қаратилади. Бу қоида омборлаштириш тизимида тез-тез қўлланилади, чунки омборда материаллар шундай тахланган бўлиши мумкинки, уларни фақат юқоридан олиш имкони мавжуд бўлади.
- SPT: «энг қисқа жараён қоидаси» берилган бўғинда энг қисқа давомийлигига эга бўлган буюртма биринчи бўлиб бажарилади.

Кўрсатилган қоидалар кутиш вақтини ва буюртма бажарилиш циклининг ўртача давомийлигини қисқартириш имконини беради.

Моддий оқимларни бошқаришнинг мақсади етказиб беришнинг ўрнатилган муддатларини таъминлаш зарур бўлган ҳолларда, буюртмалар бажарилиш вақти ҳақидаги маълумотларни ҳисобга оладиган бошқарув қоидалари қўлланилади:

- MST: «минимал вақт захираси», энг кам вақт захирасига эга бўлган буюртмага энг катта эътибор қаратилади. Вақт захираси - буюртманинг бажарилиш муддатлари билан жараёнлар орасидаги тўхташлар мавжуд бўлмаган ҳолатда, буюртма бажарилиши мумкин бўлган муддатлар орасидаги фарқ сифатида аниқланади.
- EDD: «бажарилишнинг энг қисқа муддати», яъни энг қисқа бажарилиш муддатига эга бўлган буюртма биринчи бўлиб бажарилади.


Бошқаришнинг туртилувчи ва тортилувчи тизимлари. Ички ишлаб чиқарувчи логистик тизимлар доирасида моддий оқимларни бошқариш икки принципиалусул ёрдамида амалга оширилиши мумкин: буюртмани «туртиш» ёки «тортиб чиқариш» йўллари билан.⁶

⁶ Зеваков А. М. Логистика материальных запасов и финансовых активов. - СПб.: Питер, 2015. – 352 с.

Моддий оқимларни бошқаришнинг туртилувчи тизими логистик занжирнинг ҳар бир бўғини учун зарур хом ашё, материаллар ва деталлар захираси миқдорини башорат қилишга асосланади. Бу башоратдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришнинг бутун кўп босқичли жараёнини бошқариш амалга оширилади, бу қайта ишлашнинг ҳар бир босқичида моддий захираларнинг асосланган ҳажмини таъминлашдан иборат. Моддий оқимларни бошқаришнинг бу тизимида меҳнат предметлари бир участкадан иккинчисига (технологик жараён бўйича кейинги) уни қайта ишлашга тайёрлигидан ва бу деталларга бўлган эҳтиёждан қатъий назар, яъни махсус буюртмасиз кўчирилади. Моддий оқим, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг марказий тизимидан келадиган буйруқ бўйича қабул қилувчига «итариб чиқарилгандай» бўлади (4-чизма).

4-чизма.

Моддий оқимларни бошқаришнинг туртилувчи тизими.



Манба: Дадабоев Қ.А. Логистика.Т.: Молия-иқтисод, 2012. – 236 б.

Моддий оқимларни бошқаришнинг бу усули мураккаб ишлаб чиқариш механизмини бир бутун тизимга бирлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришда ишчиларни ва ускуналарни максимал имкониятларида қўллаш имконини беради. Лекин талаб кескин ўзгариб кетган ҳолда «туртилувчи» тизимни қўллаш ошқоча захирани ҳосил қилинишига ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир


босқичини қайта режалаштириш имконияти мавжуд бўлмагани учун товарларнинг тахлаб ташланишига олиб келади.

Тортилувчи тизим ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида захираларнинг минимал даражасини сақлашни ва буюртмани кейинги участкадан олдингига қаратилган ҳаракатини назарда тутати. Кейинги участка меъёрга ва маҳсулотларни истеъмол қилиниш вақтига мос равишда материалларга буюртма беради. Ишнинг режа графиги фақат истеъмолчи-цеҳ учун ўрнатилади. Ишлаб чиқарувчи-цеҳ аниқ график ва режага эга эмас ҳамда тушган буюртма бўйича ишлайди. Шундай қилиш деталлар фақат ҳақиқатан зарур бўлганда ва фақат зарурият туғилганда ишлаб чиқарилади.

Моддий оқимларни бошқаришнинг тортилувчи тизимининг ишлаш механизмини кўриб чиқамиз (5-чизма).

5-чизма.

Моддий оқимларни бошқаришнинг тортилувчи тизими.



Манба: Дадабоев Қ.А. Логистика.Т.: Молия-иқтисод, 2012. – 236 б.

Корхонада моддий оқимларни ташкил этиш ва уларни бошқариш бир - бири билан узлуксиз боғланган тизимни ҳосил қилади. Шундай қилиб

олинган буюртмаларни бажариш жараёнида материаллар ҳаракати бошқарувсиз амалга ошмайди, бу бошқарув моддий ресурсларни тақсимлаш, хўжалик алоқаларини режалаштириш ва ҳоказо йўллар билан амалга оширилади, лекин шу билан бирга ташкиллаштиришни талаб қилади: келиб тушишларни ритмик бажарилишини таъминлаш; материаллар ташишнинг оптимал тизимини танлаш ва бошқалар. Ташкиллаштириш жараёнида элементар оқимларни бирлаштиришга эришилади ва ишлаб чиқарувчи логистик тизим самарали ишлаши учун шароитлар яратилади. Моддий оқимларни бошқариш ишлаб чиқариш буюртмаларининг бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлайди ва корхона олдида қўйилган мақсадга эришиш учун логистик тизим параметрларини берилган чегараларда ушлаб турувчи таъсир ўтказади.

1.3. Моддий оқимларн харакатини ташкил этишда жой ва вақт

Моддий оқимларни қайта ишлаш жараёнининг алоҳида босқичлари (сақлаш, қайта ишлаш, ташиш), корхонада, алоҳидалашган бўлинмалар орқали амалга оширилади, уларнинг ҳар бири маълум функцияларни бажаради. Моддий оқимларнинг шаклланишида ва қайта ишланишида катнашувчи корхонанинг функционал бўлинмаларининг таркиби, уларнинг ўзаро жойлашуви ва ишлаб чиқариш буюртмаларини бажаришда ўзаро алоқаларининг шакллари логистик тизимнинг жойлашув тузилмаси деб аталади.⁷

Ички ишлаб чиқарувчи логистик тизимнинг тузилмаси бир қатор омиллар орқали аниқланади, улар орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- ишлаб чиқариш диверсификацияси;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;
- юкларни ташишни ташкил этиш услуги;
- захираларни бошқариш тизимининг тури.

⁷ Беляев В.И. Маркетинг: основы теории и практики: учебник / В.И.Беляев. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2013. – 680 с.

Диверсификация, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг таркибига ва махсус йўналтирилганлигига, омборларнинг сонига, захираларнинг ассортиментиغا, етказиб берувчилар билан алоқаларнинг хилма – хиллик даражасига ва уларнинг сонига таъсир ўтказди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми захираларнинг ва алоҳида ишлаб чиқаришнинг ҳажмини, уларнинг миқдорини ҳамда юк оқимларининг қувватини аниқлайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми қанча катта бўлса, шунча ишлаб чиқариш бўлинмалари йирикрок, уларнинг махсус йўналтирилганлиги аниқрок, корхонага келиб тушаётган ва ундан чиқиб кетаётган юкларнинг ҳажми катта бўлади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсиши ўртача бир кунлик материаллар харажатининг ўсишига олиб келади ва каттароқ захираларни ташкил этишни асослайди. Юкларни ташишни ташкил этиш услуги, транспорт бўлинмаларининг сонига, ишлар бажарилиш қатнашчиларининг таркибига, маҳсулот ҳаракатида бўғинларнинг сонига ва оралиқ омборларнинг миқдорига таъсир қилади. Масалан, юк оқимларини ташкил этишнинг транзит схемасига ўтиш, маҳсулот ҳаракатида бўғинлар сонининг камайишига ва юкларни қайта ишлаш бўйича ишлар ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ички ташиш ишларининг ҳажми ва миқдорига ҳамда тугатилмаган ишлаб чиқариш миқдорига таъсир кўрсатади. Захираларни бошқариш тизимининг тури ишлаб чиқаришда уларнинг катталигига таъсир ўтказди: келиб тушишлар орасидаги вақт интервали ва буюртма ҳажми қанча катта бўлса, ишлаб чиқариш захираларининг даражаси шунча катта бўлади. Логистик тизимнинг оралиқ тузилмаси моддий оқимларни вақт бўйлаб қайта ишлаш амалларини бажарилиш кетма - кетлигини олдиндан аниқлаб беради. Бунда юзага келадиган вақт алоқалари буюртма бажарилиш жараёнида алоҳида босқичлар оқиб ўтадиган ёки оралиқ натижалари – воқеалари белгилаб олинadиган вақт кесмалари билан характерланади. Моддий оқимларни ташкил этишнинг вақт аспекти таснифлашда қуйидаги тушунчалар қўлланилади: буюртманинг бажарилиш цикли, буюртма бажарилиш циклининг тузилмаси(тузилма),

буюртма циклининг давомийлиги. Буюртма бажарилиш цикли – бу вақт бўйлаб маълум тарзда ташкил этилган элементар оқимларнинг комплекси, бу оқимлар буюртманинг қабул қилинишидан то бажарилишигача бўладиган харақати жараёнида логистик амаллар бажарилиши натижасида юзага келади. Буюртманинг қабул қилиниш вақти маълум турдаги ва йўналишдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга талабни келиб тушишининг вақт нуқтасини характерлайди. Буюртма бажарилиш вақти маҳсулотни савдо сотик тизимида(шахсий истеъмол маҳсулотлари) ёки буюртмачи корхонанинг омборига (ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар) келиб тушишлигини билдиради. Буюртма бажарилиш циклининг тузилмаси бта босқични ўз ичига олади: буюртманинг қабул қилиниши; техник тайёргарлик (янги буюртма олинганида фақат бир марта режлаштирилади), материалларни етказиб бериш, ишлаб чиқаришга тайёргарлик, ишлаб чиқаришнинг ўзи (йиғувчи қисмлар билан таъминланган буюртманинг ишлаб чиқаришга берилишидан, ишлаб чиқаришдаги ҳамма ишларнинг тугатилишигача), буюртмани етказиб бериш (4–жадвал).

4-жадвал

Буюртма бажарилиш цикли

Цикл босқичлари.	Амаллар гуруҳи.
Буюртманинг қабул қилиниши	Буюртма ҳисоби, қайта ишланиши ва ҳужжатлаштирилиши
Техник тайёргарлик	Ишлаб чиқариш технологияси ва конструкциясининг ишлаб чиқилиши, ташкилий тайёргарлик, кўникиш, янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишни ташкил этиш
Материалларни етказиб бериш	Буюртманинг шаклланиши. Етказиб берувчиларни танлаш. Материалларни қабул қилиш ва омборхонада жойлаштириш

Ишлаб чиқаришга тайёргарлик	Ярим тайёр маҳсулотларни қабул қилиш. Зарур технологик тузилмани танлаш. Бошланғич синхронлаштиришни ўтказиш. Маҳсулот ишлаб чиқаришни режа – графикни тузиш.
Буюртманинг ишлаб чиқарилиши	Технологик операциялар. Ишлаб чиқаришнинг технологик назорати, ташиш, диспетчерлаш.
Буюртмани етказиб бериш	Тайёр маҳсулотни оморга жойлаштириш. Буюртмани комплекслаштириш. Истеъмолчига буюртмани тушириш.

Манба: Лавлок К. Маркетинг услуг: Персонал, технологии, стратегия, 4-е изд.: пер. с англ. - М.: Издательский дом “Вильямс”, 2015.

Буюртманинг бажарилиши бўйича ҳамма операциялар амалга ошириладиган календарь даври буюртма циклининг давомийлигини кўрсатади.

Умумий кўринишда цикл давомийлиги $T_{\text{ц}}$ қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$T_{\text{ц}} = T_{\text{кб}} + T_{\text{тт}} + T_{\text{хм}} + T_{\text{ит}} + T_{\text{иц}} + T_{\text{е}} + T_{\text{тўх}}$$

Бу ерда $T_{\text{кб}}$ – буюртмани қайта ишлашга ва ҳужжатлаштиришга кетадиган вақт; $T_{\text{тт}}$ – техник тайёргарликка кетадиган вақт; $T_{\text{хм}}$ – материалларни харид қилиш вақти; $T_{\text{ит}}$ – ишлаб чиқаришга тайёргарлик вақти; $T_{\text{иц}}$ – ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги; $T_{\text{е}}$ – етказиб беришга кетадиган вақт; $T_{\text{тўх}}$ – циклни алоҳида босқичларининг синхронлашуви натижасида юзага келадиган тўхташлар вақти.⁸

Ташкил этиш шакллари. Материаллар оқимини ташкил этиш имконини берувчи техник воситалар йиғиндиси ва унга нисбатан оморларнинг ва ишлаб чиқариш участкаларининг жойлашуви моддий оқимларнинг ҳаракатини ташкил этиш шакллари ҳосил қилади.

⁸ Неруш Ю. М. Логистика в схемах и таблицах : учеб. пособие. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2014. - 192 с.

Амалиётда материаллар ҳаракатини ташкил этишнинг учта шакли қўлланилади:

- Йиғувчи;
- Транспорт – йиғувчи;
- Нол заҳира.

Ташкил этишнинг йиғувчи шакли: логистик тизимларнинг меъёрли ишлаши учун, уларнинг таркибида омборларнинг комплекси кўзда тутилиши билан характерланади. Буларга металл ва ярим тайёр маҳсулотлар омборлари; деталлар, боғловчи ва йиғувчи қисмларнинг участка оралиқ омборлари; тайёрмаҳсулот омборлари; техник таъминот омборлари тааллуқли бўлади. Материал металл ва ярим тайёр маҳсулот омборхонасидан оралиқ омборлари орқали ишлаб чиқариш участкаларига ҳаракатланади ва охир-оқибатда тайёр маҳсулот омборхонасига келиб тушади.

Моддий оқимлар ҳаракатини ташкил этишни бу шаклининг афзаллиги тизимга кириш ва чиқишда материалларни катта ҳажмда йиғиш имконининг мавжудлиги, бу эса бир тарафдан, зарур деталлар, ярим тайёр маҳсулотлар, йиғувчи қисмларнинг ишлаб чиқаришга вақтида етказиб берилишини таъминласа, иккинчи тарафдан маҳсулот истеъмолчиларининг муҳим буюртмаларининг бажарилишини кафолатлайди. Материаллар ҳаракатини йиғувчи шаклининг асосий камчилигибу транспорт йўналишларининг тармоқлашганлиги ва омборларнинг кўплиги натижасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш ва заҳиралар устидан назоратнинг қийинлашувидир. Бундан ташқари маблағларни материалларга иммобиллаштириш ва омборлар тизимини ташкил этиш учун капитал қўйилмалар зарурлиги билан асосланадиган харажатлар ошади.

I-боб бўйича хулоса

. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ички ташиш ишларининг ҳажми ва миқдорига ҳамда тугатилмаган ишлаб чиқариш миқдорига таъсир кўрсатади. Заҳираларни бошқариш тизимининг тури ишлаб чиқаришда уларнинг

катталигига таъсир ўтказди: келиб тушишлар орасидаги вақт интервали ва буюртма ҳажми қанча катта бўлса, ишлаб чиқариш захираларининг даражаси шунча катта бўлади. Логистик тизимнинг оралик тузилмаси моддий оқимларни вақт бўйлаб қайта ишлаш амалларини бажарилиш кетма - кетлигини олдиндан аниқлаб беради. Бунда юзага келадиган вақт алоқалари буюртма бажарилиш жараёнида алоҳида босқичлар оқиб ўтадиган ёки оралик натижалари – воқеалари белгилаб олинadиган вақт кесмалари билан характерланади. Моддий оқимларни ташкил этишнинг вақт аспектини таснифлашда қуйидаги тушунчалар қўлланилади: буюртманинг бажарилиш цикли, буюртма бажарилиш циклининг тузилмаси(тузилма), буюртма циклининг давомийлиги.

II-боб. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон савдо саноат палатасида моддий оқимлар ҳаракатини ташкил этиш

2.1. Моддий оқимлар ҳаракатинини бошқариш усуллари қўллаш тартиби

Моддий оқимларни бошқариш тизими деб ички логистик тизим доирасида моддий оқимларни назорат қилиш ва режалаштиришни шакллантиришнинг ташкилий механизми тушунилади.

Моддий оқимларни бошқаришнинг бир қанча тизимлари мавжуд:

MRP – материалларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш;

DRP – ресурслар тақсимланишини режалаштириш;

JIT – моддий ва ахборот оқимларини «аниқ вақтида» тамойили бўйича бошқариш;

KANBAN – «аниқ вақтида» тамойили бўйича моддий оқимларни тезкор бошқаришнинг ахборот таъминоти;

OPT – ишлаб чиқаришни оптималлаштириш технологияси.

Материалларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш (MRP) – бу ишлаб чиқаришни зарур моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжини режалаштиришнинг автоматлаштирилган тизимидир.⁹

MRP режадаги масалалардан четлашишларни ҳисобга олган ҳолда аниқ вақт масштабида буюртмалар бажарилишини режалаштиришни, ҳамда ишлаб чиқариш захиралари назоратини амалга ошириб, унинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг кафолатли қондирилиши;
- захираларни минимал даражада ушлаб туриш;
- ишлаб чиқаришни, материалларни харид қилиш ва етказиб беришни режалаштиришнинг аниқлигини ошириш.

Ресурслар тақсимланишини режалаштириш (DRP) чиқиб кетаётган товарларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими сифатида таснифланиши мумкин. У MRP нинг ойна акси бўлиб, худди шундай логика, воситалар ва усуллардан фойдаланади. Тизимнинг асосий функциялари каторига қуйидагилар тегишли:

- тақсимот занжирининг ҳар хил даражаларида (марказий–периферик омборлар орқали) захиралар ва келиб тушишларни режалаштириш;
- маҳсулот тақсимотининг ахборот таъминоти;
- юк ташишни режалаштириш.

Ишлаб чиқаришнинг асосий графиги талабни башоратлаш асосида шакллантирилади. Шундай қилиш DRP маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш функцияларини бирлаштириш имконини беради, ҳамда логистик харажатларни транспорт ва товар ҳаракатига кетадиган харажатларни қисқартириш ҳисобига оптималлаштиради.

MRP ва DRP туртилувчи тизимлар турига киради.

⁹ Соловьев Б.А., Мешков А.А., Мусатов Б.В. Маркетинг: Закупочная логистика. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2015. – 336 с.

Моддий ва ахборот оқимларини бошқаришнинг интеграллашган тизими ишлаб чиқариш жараёни, ҳамда у билан боғлиқ бўлган таъминот ва сотув тизимлари битта узлуксиз оқим сифатида намоён бўлади. Моддий оқимларни умумий тизимида бошқариш, муддатларни тескари режалаштириш асосида амалга оширилади. Ишлаб чиқарувчи ишнинг тугатилган режасига ва графигига эга эмас, у умуман буюртмалар билан эмас, балки шу маҳсулот истеъмолчисининг аниқ буюртмаси билан боғланган ва ўзининг ишини шу буюртма чегарасида оптималлаштиради. Ҳамма бўлинмалар учун фақат ўрталаштирилган (1 ойга) режалар тузилади, уларни декадалар (кун, соат) бўйича режалаштиришни эса, деталларни топшириш муддатларини ва олинган буюртма ҳажмини ҳисобга олган ҳолда иш бажарувчилар амалга оширади.

«Аниқ вақтида» тамойили бўйича моддий оқимларни оператив бошқаришнинг ахборот таъминоти тизими бўйича буюртма харитаси «KANBAN» истеъмолчи ҳақида тўлиқ ахборотни ўз ичига қамраб олади. Асосан бу ахборот қуйидагилардан иборат бўлади: деталнинг номланиши ва шифри; қадок идишларнинг спецификацияси (хусусияти), уларнинг тури ва уларга солинадиган деталларнинг сони; маҳсулотни ишлаб чиқарувчи–участка ва истеъмолчи–участкаларнинг номланиши; маҳсулотни ишлаб чиқариш давомийлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланадиган етказиб бериш вақти. Технологик занжир бўйича ҳар бир участка «KANBAN» харитасида кўрсатилган буюртма бўйича ишлайди. Ишлаб чиқариш устидан назорат муомилада бўлган хариталарни рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади.¹⁰

Ишлаб чиқаришни оптималлаштирилган технология тизими (OPT) таъминот ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштирадиган «тортилувчи» микрологистик тизимлар синфига киради. Бу тизимнинг асосий тамойили бўлиб ишлаб чиқариш жараёнида тор жойларни ва критик ресурсларни

¹⁰ Умарова Д.М., Бўронова М.А. Логистика. Ўқув қўлланма. Т.: Тош ДТУ, 2012. 147 б.

аниқлаш ҳисобланади. Ҳисобда ОРТ KANBANнинг компьютерлаштирилган тури ҳисобланади, улар орасида фақатгина битта фарқ мавжуд. ОРТ «таъминот – ишлаб чиқариш» логистика тармоғида тор жойларни пайдо бўлишининг олдини олса, KANBAN пайдо бўлиб улгўрган тор жойларнинг самарали йўқотилиш имконини беради.

Логистик тизимнинг самарали ишлашига таъсир кўрсатувчи критик ресурслар сифатида қуйидагилар олинishi мумкин: хом ашё ва материаллар захираси, тугатилмаган ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш технологияси, персонал ва бошқалар. ОРТ тизимидан фойдаланиладиган корхоналар нокритик операцияларни бажарадиган персонални максимал тарзда иш билан таъминлашга интилади, чунки бу тугатилмаган ишлаб чиқариш захираларини ўсишини келтириб чиқаради. Логистика нуқтаи назаридан ОРТ тизимининг самарадорлиги маҳсулот ишлаб чиқарилишини ошириш, ишлаб чиқариш ва транспорт харажатларини камайтиришдан иборат.

Тизимли ёндашиш тамойилини амалга ошириш.

Логистикада тизимли ёндашиш хўжалик юритувчи субъектларни ўзаро боғлиқ тизимостилар комплекси – ишлаб чиқариш, сотиш ва харид қилиш бўлинмалари сифатида кўриб чиқишни назарда тутаяди, улар ташқи муҳитдан олинадиган ва узатиладиган маълумотлар асосида бошқарилади. Логистик тизимларнинг фаолияти мураккаб асос – натижа алоқаларининг ҳам тизимлар ичида, ҳам ташқи муҳит билан муносабатларида вужудга келиши билан характерланади. Бундай шароитларда тизимлар фаолиятининг умумий мақсадларини ҳисобга олмасдан, алоҳида қарорлар қабул қилиш етарли эмас ёки хато бўлиши мумкин.

1-мисол. Корхонанинг бошқарув бўлими шакарни қоғоз пакетларга жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилади. Қопларга қадоқланган шакарни ташишга, юклашга ва бошқа технологик амалларни бажаришга мослаштирилган умуман товар ҳаракати тизими бу қарорга қандай муносабатда бўлади?

Тизимли ёндашишга биноан ишлаб чиқарувчи корхонада шакарни кадоқлаш ҳақидаги қарорлар транспорт ва савдо-сотиқ ташкилотларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши зарур ва мақсадимоддий оқимни оптималлаштиришдан иборат бўлиши керак.

Иқтисодий компромисс (келишув)лар асосида қарорлар қабул қилиш – иқтисодий келишувларни ишлатиш ҳамда логистик жараёнда катнашувчи ҳамма ишлаб чиқариш ташкилотларининг қизиқиш доирасини намоён қилувчи ҳисоботларда акс этади. Иқтисодий компромисслар асосида қарорлар қабул қилиш, товар ҳаракатининг алоҳида босқичларини туташув жойларида логистиканинг аралаш функциялари талабларини ҳисобга олиш заруриятини кўзда тутди. Бу келиб тушишининг ҳажми, тезлиги ва унга кетадиган харажатлардаги кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши, харидлар миқдори ҳақида қарорлар эса буюртмани бажаришга кетадиган харажатлар ва заҳираларни сақлашга кетадиган харажатлар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилиниши зарурлигини билдиради.

Бутун логистик занжир давомида харажатлар ҳисоби. Логистиканинг асосий мақсадларидан бири – моддий оқимнинг бирламчи хомашёдан то охиригача истеъмолчигача етказиб беришга кетадиган харажатларни бошқаришдир. Лекин товар ҳаракати жараёнида харажатларни бошқариш фақатгина чуқур ҳисобот амалга оширилсагина мумкин бўлади. Логистик жараёнлар ва ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тизими, логистик функцияларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган харажатларни ажратиши, энг муҳим харажатлар ҳақида, ҳамда уларнинг ўзаро таъсири ҳақида маълумотларни шакллантириши зарур. Бу шарт бажарилса, логистик тизимнинг оптимал шаклининг асосий мезонини ишлатиш имконияти вужудга келади – бутун логистик занжир давомида энг кам харажатлар йиғиндиси ҳосил бўлади.

Логистикага корхонанинг рақобатбардошлигини оширувчи омил сифатида ёндашиш. Логистиканинг рақобатбардошлик омили сифатида кўриб чиқилиши, шу соҳада қабул қилинаётган қарорлар, маҳсулот сотишдан

тушадиган фойдага кўрсатадиган таъсири нуқтаи назаридан баҳоланиши зарурлигини кўзда тутди. Шунинг учун логистикани корхона ишининг асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар билан боғлиқлигини акс эттирувчи кўрсаткичларини қидириш масаласи юзага келади.

Моддий оқимларни самарали бошқаришнинг муҳим шарти бўлиб, эҳтиёжларни олдиндан кўра билиш ҳисобланади. Уларни аниқлаш учун куйидаги услублар қўлланилади:

- ишлаб чиқариш режаси ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўзига хос хусусиятлари билан мос ҳолда олиб бориладиган ҳисобнинг детерминант услублари;


- ҳисобнинг статистик услублари;

- мутахассисларнинг хулосаларига таянган ҳолда субъектив баҳолаш.

Юқорида айтиб ўтилган услубларнинг таснифланиши 6-чизмада кўрсатилган.

6-чизма.

Эҳтиёжларни аниқлаш услубларининг таснифланиши



Манба: Неруш Ю.М. Логистика: Учебник для вузов. — 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2011. - 389 с.

2.2. Ўзбекистон савдо саноат палатасида харид логистикасида моддий оқимларни ҳаракатини бошқариш таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 7 июлдаги ПФ-3453-сон **Фармони**ни бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг самарали фаолиятини ташкил этишни таъминлаш, унинг фаолиятига республика тадбиркорларини кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилган¹¹.

Савдо саноат палатанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни, энг аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

-тадбиркорларга чет эллик шериклар билан амалий мулоқотлар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспорт маҳсулотини ташқи бозорларга олиб

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 1-сон, 3-модда)

чиқишда, шунингдек рақобатбардош тайёр маҳсулот чиқаришни таъминловчи янги ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишда кўмаклашиш;

-бошқа давлатларнинг савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш;

-тадбиркорларга кенг турдаги хизматлар кўрсатиш, шу жумладан ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ҳақидаги, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва инвестициявий имкониятлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек потенциал шерикларга ва замонавий технологиялар харид қилиш имкониятларига оид маълумотларни ўз ичига олувчи бизнес-каталоглар эълон қилинишини ташкил этиш;

-тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантириш, халқаро ҳуқуқ ва бизнес юритиш амалиётининг умум эътироф этилган нормаларини жорий қилиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўриш;

-тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

-тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш тизими ривожлантирилишини, тадбиркорларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этилишини кўллаб-қувватлаш.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

Палата қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-Ўзбекистон Республикасида ва чет давлатларда ташкилотлар тузиш, ўз ваколатхоналарини очиш;

-тадбиркорлик фаолияти субъектларига ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини патентлашда, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ҳамда товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасида ва унинг ҳудудидан ташқарида кўргазмалар ҳамда ярмаркалар ташкил этиш ва ўтказиш;

-тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш;

-газеталар, журналлар ва бошқа босма материаллар нашр этиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини таъминлаш учун ноширлик ва реклама хизматлари кўрсатиш;

-халқаро ва чет эл ташкилотларида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ соҳада Палата аъзоларининг манфаатларини ифода этиш;

-тадбиркорлик субъектларининг фаолияти масалаларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш;

-иқтисодий низоларни ҳал қилиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳакамлик судларини, шу жумладан халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш;

-чет эллик шериклар мурожаат этган ҳолларда товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатларни тасдиқлаш;

Палата аъзоси бўлмиш тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда иштирок этиш;


-тадбиркорлик фаолияти субъектларига чет эл ва халқаро ташкилотларнинг молиявий ҳамда техник ёрдамини жалб этишда кўмаклашиш;

-давлат божи тўламасдан судга Палата аъзолари манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этиш, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш. Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.¹²

7 чизма.

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Ижро этувчи қўмитасининг
тузилмаси**

¹² (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 1-сон, 3-модда)



Бошқарув ходимларининг жами сони — 16 киши
 * мустақил юридик шахс ҳисобланадилар.

Манба: Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрдаги 441-сон қарорига илова.

Мазкур йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ – 1446-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги дастурни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу дастурдан кўзланган асосий мақсад - ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларининг республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган дастурлар билан узвий боғлиқ ҳолда илдам ривожланишини таъминлаш ҳамда бунинг негизида янги иш жойларини яратиш, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини узлуксиз ўсиб боришига эришишдир. Айни пайтда

инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (2-жадвал).

6-жадвал
2007-2015 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши (фоизда)

Молиялаштириш манбалари	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5	4,8
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5	23,2
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6	46,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4	25,4

Манба: [www. norma. Uz](http://www.norma.uz).

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2007 йилдаги 12,7 фоиздан 2015 йилда 4,8 фоизга қадар пасайиш режалаштирилган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 19,2 фоиздан 23,2 фоизга қадар кўтарилиши режалаштирилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари муҳим инвестиция институти ҳисобланади. Чунки иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш, корхоналарда ишлаб чиқаришни технологиялар билан қайта жиҳозлаш мақсадида қўйиладиган инвестицияларни маблағлар билан таъминлашни банклар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, 2015 йилги Инвестиция дастурида 3236108 миллион сўм маблағ айнан тижорат банклари томонидан кредит маблағлари сифатида йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу рақам умумий марказлашмаган инвестицияларнинг 15,9 фоизини ташкил этмоқда.

Юқорида таъкидланган фикрларга узвий боғлиқ ҳолда дастурда куйидагилар 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва

коммуникация қурилишини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланган:

- хорижий ва ички молиялаштириш манбаларини, замонавий технологияларни жалб этиш кўламини кенгайтириш, қурилиш ва индустрия ишлаб чиқариш комплексларини янгилаш асосида транспорт коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимлари, муҳандислик инфратузилмаси объектларини комплекс равишда ва илдам ривожлантириш ҳамда қуриш;

- республиканинг барча минтақаларини пухта бирлаштирадиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, Ўзбекистон миллий магистрالي таркибига кирадиган, халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган, замонавий цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламалар билан таъминланган тўрт полосали йўл участкаларини қуриш ва реконструкция қилишни кенгайтириш, Қамчиқ довонидан ўтадиган автомобиль йўлларини реконструкция қилиш;

- республикамизнинг темир йўл транспортини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш, темир йўллар реконструкциясини амалга ошириш, Тошкент – Самарқанд юқори тезликдаги темир йўл линиясини жиҳозлаш ҳамда ишга тушириш, Бухоро ва Қарши шаҳарларигача бўлган темир йўл участкаларини электрлаштириш, ҳаракатдаги темир йўл таркибини замонавий юқори унумли локомотивлар, юк ташувчи ва йўловчиларга мўлжалланган вагонлар билан янгилаш;

- ҳаво кемалари паркини дунёнинг етакчи Боинг ва Аэрбас авиакомпанияларининг замонавий, ҳар жиҳатдан қулай ва тежамли самолётлари билан тубдан янгилаш ҳисобидан авиацияда ташишнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш, Тошкент шаҳри ва республиканинг вилоят марказларида аэропортлар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда шу асосда, транзитни ҳисобга олган ҳолда, юк

ташиш ҳажмини кўпайтириш, авиацияда йўловчилар ташиш даражаси ҳамда сифатини ошириш, энг асосийси эса – уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

- замонавий телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, уяли алоқа ҳамда маълумотларни кенг кўламда узатиш тармоқларини кенгайтириш, республика минтақаларини рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтказиш;

- транспортда юк ташишни ташкиллаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган, кўп мақсадли замонавий самарали транспорт-транзит инфратузилмасини яратиш, ҳар хил транспорт турлари – автомобиль, темир йўл ва авиация транспорти томонидан транспорт хизмати кўрсатишдаги боғлиқликни таъминлаш, Ангрэн шаҳри ва Навоий шаҳри аэропорти негизидаги логистика интермодаль марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолият юритиш самарадорлигини ошириш;

- халқаро транспорт коммуникацияларига қисқа йўл билан чиқишни ва транзит юк ташиш кўпайишини, минтақавий ҳамда дунё бозорларига чиқишни кенгайтиришни, экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва миллий маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтиришни таъминлайдиган янги транспорт йўлакларини шакллантириш;

- миллий автомагистраль ёқаси ва темир йўллар бўйлаб инфратузилма ва сервис объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, автомобиль ва темир йўл магистралларида қатновлар учун халқаро стандартларга жавоб берадиган шарт-шароитларни яратиш, бунинг негизида янги иш жойларини шакллантириш ҳамда аҳолининг бандлигини ошириш;

- Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш учун қўшимча замонавий йўл-қурилиш техникасининг ўз вақтида харид қилинишини таъминлаш, йўл қурилишида замонавий қурилиш технологияларини, ускуналар ҳамда сифатли материалларни қўллаш;

- республика минтақаларида, айниқса қишлоқ жойларда, муҳандислик-коммуникация тармоқларини – сув таъминоти, канализация, электрлаштириш тизимлари ва бошқаларни қуриш, модернизация ва реконструкция қилишни кенгайтириш, шу асосда аҳолини ва хўжалик юритувчи субъектларни сув ва электр энергияси билан таъминлаш даражаси ҳамда сифатини ошириш, шаҳарларда ва аҳоли пунктларида санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш;

- хомашё, материаллар ва энергия ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлайдиган, энергия ҳамда ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни қўллаш асосида ишлаб чиқариш инфратузилмаси, транспорт ва коммуникация объектларини қуриш ва фойдаланишда ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда таннархини изчил пасайтириб бориш. Мазкур дастурдан умумий қиймати 8 миллиард 504 миллион долларлик жами 85 та лойиҳа ўрин олган бўлиб, уларнинг бажарилиши натижасида жами 14394 та янги иш ўрни яратилади (7-жадвал)

7 жадвал

2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари¹³

Йўналиш номи	Лойиҳа қиймати (млн. доллар)	Лойиҳа сони
Дастурнинг умумий қиймати	8504,0	85 та
<i>шу жумладан:</i>		
Автотранспорт системаси	3544,0	11 та
Темир йўл транспорти системаси	2146,6	14 та
Ҳаво йўл транспорти системаси	993,7	14 та
Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва телекоммуникация системаси	1794,7	44 та
Шаҳар электротранспорти паркини янгилаш	24	2 та

Манба: И.А.Каримовнинг 06.03.2015 даги “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастури тўғрисида” ги қарори


Дастур доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мамлакатимизнинг асосий транспорт шакллари: ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорт тизимини, шунингдек, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштиришга, мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ ва кенг миқёсда фойдаланишга қаратилган.

Қуйида берилган диаграммада мамлакатимизга жалб қилинган ва жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган (1-диаграмма).

2-диаграмма

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2015. – 194 бет.

**2010-2015 йиллар давлат инвестиция дастурлари доирасида
тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг ўзлаштириш динамикаси
(млн. АҚШ долл.)**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ – 1446-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги дастур

Диаграммадан кўриниб тартибдики, 2013 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3832,4 миллион АҚШ долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2010 йилдагидан қарийб 1074.97 миллион АҚШ доллар кўп эканини кузатиш мумкин. 2014 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3277,55 миллион АҚШ долларни ташкил этган бўлса, булардан 2526,56 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир, яъни 79 фоиздан кўпроғи демакдир.

2.3.Ўзбекистон савдо саноат палатасида моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш усулларини харид логистикасига таъсири

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси материаллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек республикада кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика маълумотлари мажбурий тартибда юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритилган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда чет элларда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ваколатхоналарини очиш тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин. Уларга республика тадбиркорларига хорижий шериклар ва инвесторлар билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтиришда, Ўзбекистон тадбиркорларининг экспорт маҳсулотлари ташқи бозорларга кириб боришида ҳамда республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда кўмаклашиш вазифалари юклатилган.¹⁴

Харид логистикаси - бу корхонани моддий ресурслар билан таъминлаш, ресурсларни корхона омборларига жойлаштириш, уларни сақлаш ва ишлаб чиқаришга жўнатиш жараёнидир.

Харид логистикасининг мақсади ишлаб чиқаришнинг материалларга бўлган талабини максимал даражада иқтисодий самара билан қониқтириш ҳисобланади.

Бу мақсадга бир қатор муаммолар ҳал қилиниши натижасида эришилади. Бу муаммоларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

¹⁴ Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрдаги 441-сон қарорига1-ИЛОВА

1. Хом ашё, материаллар ва эҳтиёт қисмларни харид қилишнинг асослаб берилган муддатларига таяниш; келиб тушишларнинг миқдорини, уларга бўлган талаб билан таклиф мослигини таъминлаш;

2. Хом ашё, материаллар ва эҳтиёт қисмларнинг сифатига қўйиладиган ишлаб чиқариш талабларига риоя қилиш.

Харид логистикасиз корхона меъёри фаолият кўрсата олмайди. У турли хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг ишини назорат қилувчилар ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади¹⁵.

Харид логистикасининг функциялари. Харид логистикаси қуйидаги функцияларни бажаради:

- моддий ресурсларни харид қилиш стратегиясини шакллантириш ва уларга бўлган талабни башоратлаш;
- потенциал етказиб берувчилар томонидан тушадиган таклифларни қабул қилиш ва баҳолаш;
- етказиб берувчиларни танлаш;
- моддий ресурсларга қўйиладиган талабларни аниқлаш, ҳамда материаллар ва маҳсулотларга бериладиган буюртмалар миқдорини ҳисоблаш;
- буюртма берилаётганда ресурслар нархини келишиш ва етказиб бериш ҳақида шартномалар тузиш;
- материаллар келиб тушиш муддатлари устидан назорат;
- моддий ресурслар сифатини қабул қилиш назоратидан ўтказиш ва омборларга жойлаштириш;
- моддий ресурсларни ишлаб чиқариш бўлинмаларигача етказиб бериш;
- омборларда моддий ресурслар захираларини меъерий даражада ушлаб туриш.

¹⁵ Джеймс С. Джонсон, Дональд Ф. Вуд., Дэниел Л. Вордлоу, Поль Р. Мэрфи-мл. Современная логистика, 7-е издание: Пер. с англ. — М. : Издательский дом Вильямс", 2014. — 624 с.

Юқорида айтиб ўтилган функциялар моддий техник таъминот хизмати(харид бўлими) ва корхонанинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бу бўлинмалар қуйидагилар: маркетинг бўлими, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни тайёрлаш хизмати, бухгалтерия, молиявий ва юридик бўлимлар.

Ҳозирги шароитда харид логистикаси тутган ўрнининг ошиши. Бозор муносабатларига ўтиш жамоа ишлаб чиқаришида харид логистикасининг тутган ўрнини ва ошиб бораётган мавқеини таснифлайди.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқаришнинг моддий - техник таъминоти соҳасида бир қатор муҳим ўзгаришларни юзага келтирди. Улар орасида энг муҳимлари қуйидагилардир:

- бозор томонидан талаб этилаётган, тез ўсувчи маҳсулот ассортиментининг таъсири;

- ишлаб чиқаришга янги маҳсулотни киритишга кетадиган вақтни қисқартириш ва шу йўл билан ассортимент кенгайтириш тизимини тезлаштириш;

- ишлаб чиқариш даври давомийлигини қисқартириш;

- бозорни зарур товарлар билан тўйдириш мақсадида ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кучайиши.

Бу ўзгаришларнинг барчаси, корхонанинг ҳар хил турлари – ишлаб чиқариш, иқтисодий, молиявий фаолият кўпроқ моддий - техник таъминотга боғланишига олиб келди. Таъминот тизимида самара бермаётган кенг зоналар мавжудлиги, уларни рационаллаштириш эса катта иқтисод бериши мумкинлиги аниқ бўлди. Ишлаб чиқаришнинг моддий таъминот жараёнларини ташкил этишга ва уларни бошқаришга янги ёндашувларни амалга ошириш зарурияти туғилди.

70 – 80 йилларда ўтказилган илмий - тадқиқот ишлари ва ишлаб чиқаришни моддий таъминот тизимини мукаммаллаштириш бўйича амалий тадбирлар натижасида харид логистикаси шаклланди, у моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолият кўрсатиш шароитларига ва бозор шароитида маҳсулотларни айланишига мос келарди.

Материалларни харид қилиш жараёни ва унинг асосий босқичлари:

- Ариза тузиш.
- Аризалар таҳлили.
- Етказиб берувчиларни танлаш.
- Буюртмаларни жойлаштириш.
- Буюртмаларнинг бажарилишини назорат қилиш.
- Харид қилиш жараёнининг тугатилиши.

Материалларни харид қилиш жараёни ўзининг таркибига бир қатор логистик ўзаро боғланган ишлар турларини жамлайди. Материаллар харид қилиш жараёнининг қуйидаги босқичлари ажратилади: аризаларни тузиш, аризалар таҳлили, етказиб берувчиларни танлаш, буюртмаларни жойлаштириш, буюртмалар бажарилишини назорат қилиш, харид қилиш жараёнининг тугатилиши.

Аризаларни тузиш. Материалларни харид қилишга аризалар корхонанинг махсус функционал бўлинмаларининг ишчилари томонидан тайёрланади. Улар корхонага материалларнинг қайси турлари ва қанча миқдорда талаб этилаётганлиги, улар қачон қабул қилиб олиниши кераклиги ва аризани ким томонидан тузилганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлади.

Аризалар шундай тузиладики, кутилаётган материалларни келиб тушиш миқдори, уларга бўладиган амалий талаблардан ўзиб кетади.

Аризаларни жойлаштириш ва материалларни қабул қилиш ўртасидаги вақт ўзиб туриш вақти деб аталади. Ўзиб туриш вақтини тўғри аниқлаш харидларни ва моддий захираларни бошқариш жараёнида муҳим ўрин тутади. Аризаларнинг олдиндан берилиши келиб тушишларни кутилмаган тўхташининг салбий таъсирини камайтиради. Шу билан бирга ўзиб туриш вақтининг ҳаддан ташқари кўпайтирилиши моддий захираларнинг ўсишига олиб келади. Аризаларни тузишга жавобгар бўлган ишчилар, материаллар келиб тушишини энг кам ўзиб туриш вақтини ўрнатиши зарур, бунда етказиб берувчининг имкониятлари ва материаллар истеъмолчисининг талаблари ҳисобга олинади.

Аризалар таҳлили. Материалларни ишлатишга бериладиган аризалар таҳлили моддий техник таъминот хизмати томонидан бошқа бўлинмалар мутахассислари билан биргаликда амалга оширилади. Таҳлил мақсади – материалларнинг ҳар бир тури бўйича минимал харажатларни таъминлашдир. Тадқиқот услублари бўлиб функционал нархли таҳлил ва нархни ўрнатиш ҳисобланади.

Таҳлил жараёнида қуйидаги саволларга жавоб олиниши керак:

Арзонроқ материаллар ишлаб чиқариш талабларини қониқтира оладими?

Бу талаблар асосланганми?

Бошқа турдаги материаллар белгиланган талабларни қониқтира оладими?

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тузилишини соддалаштириш мумкинми?

Етказиб берувчи истеъмолчи билан биргаликда ишлаб чиқаришда олинган натижаларни таҳлил қилишда қатнашиб туриб материалларга қўйилган нархларни камайтира оладими ?

Таъминот хизмати аризаларда кўрсатилган материалларни бошқаларга алмаштиришга ҳаққи йўқ. Бўлим ишчиларнинг келиб тушаётган аризаларни таҳлил қилиши ва буюртмалар қийматини камайтиришга олиб келиши мумкин бўлган материаллар харид қилишнинг вариантларини таклиф қилиши керак.

Моддий – техник таъминот хизматида етказиб берувчиларнинг таклифлари ва рақобатчиларнинг нархлари аниқ бўлади. Шу хизмат ишчилари конструкторлик ва технологик бўлимлар билан биргаликда, арзон ва сифатли материалларни қўллаш асосида маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологиялари ва тузилишларини мустақамлаштиришга олиб келадиган техник ва иқтисодий қарорлар ишлаб чиқариши мумкин.

Етказиб берувчиларни танлаш. Етказиб берувчиларни танлашда асосий мезонлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: етказиб берувчининг ишончилиги, керакли ресурсларни айтилган сифатда ва сўралган муддатда

етказа бера олиши, моддий ресурсларни имконияти борича арзон нархларда етказиб бериши, етказиб берувчи билан истеъмолчи ўртасидаги масофа, етказиб берувчида қўшимча қувватларнинг мавжудлиги ва ҳоказо.

Етказиб берувчилар ва материаллар ҳақида маълумотлар олишнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: шахсан сотувчининг ўзи билан алоқалар; реклама нашриётлари, каталоглар ва проспектларда бериладиган маҳсулотнинг тузилиши ҳақида маълумотлар; корхоналарга ташрифлар ва маҳсулот етказиб бериш амалиётини ўрганиш; банклар, савдо уюшмалари, давлат муассасаларидан олинadиган маълумотлар ва ҳоказо.

Барча манбаларни ўрганиш натижасида, мустаҳкам номга эга бўлган етказиб берувчилар рўйхати тузилади. Кейин материаллар нархи ва етказиб бериш муддатлари нуқтаи назаридан энг қулай шароитларни таклиф этаётганлари танлаб олинади. Йирик буюртмаларни иккита ва ундан кўп етказиб берувчилар ўртасида бўлиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади, бу асосий етказиб берувчини рақобатбардошлилигини текшириш ва кутилмаган ҳоллардан ўзини ҳимоялаш имконини беради.

Буюртмаларни жойлаштириш. Материалларни харид қилиш, материаллар ва эҳтиёт қисмларнинг турларига боғлиқ ҳолда турли хил услублар амалга оширилади. Харидларнинг асосий услублари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- материалларни бир марта катта миқдорда харид қилиш(улгуржи харидлар);

- материалларни тез-тез харид қилиш, бунда истеъмолчи уларнинг зарур миқдорига буюртма беради ва улар унга кичик миқдорларда маълум муддат давомида етказиб берилади;

- ҳар кунлик (ҳар ойлик) харидлар. Бу услуб арзон ва тез ишлатилиб кетадиган материалларни харид қилишда қўлланилади.

- материалларни зарур бўлган ҳолда олиш;

- бир марталик харидлар. Материалга буюртма фақатгина талаб туғилса берилади ва етказиб берувчилар омборларидан олиб чиқилади. Бу ерда

камдан - кам юз берадиган ҳолатлар тўғрисида гап кетмоқда. Бу ҳолатларда материални зарурият туғилган пайтда олиб бўлмайди.

Буюртма материал истеъмолчиси ва етказиб берувчи ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Шартноманинг асосий элементлари:

1. Таклиф ва таклифни қабул қилиш.

Шартнома, бир тараф қандайдир маҳсулотни белгиланган нархларда таклиф этса, иккинчи тараф эса бу таклифни қабул қилса тузилади.

2. Молиявий шартлар.

Шартнома ўз қийматига эга бўлиши керак, яъни у юридик маънода шартнома бўлиши учун унда барча молиявий шартлар айтиб ўтилиши зарур.

3. Шартнома тузиш ҳуқуқи.

Бу ҳуқуққа фақатгина мансабдор шахслар(Директор, Бош директор), корхона томонидан кўрсатилган ва унинг номидан фаолият кўрсатаётганлар эга.

4. Қонунийлик.

Шартнома қонуний бўлиши шарт, яъни давлатнинг юридик меъёрларига тўла жавоб бериши керак.

Шартнома тузилиши – шартнома предметининг таснифи, маҳсулот миқдори ва сифатининг кўрсатилишини, шартнома қиймати, маҳсулот етказиб бериш ва қабул қилиш кетма - кетлиги, томонлар жавобгарлиги, муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олади¹⁶.

Буюртмалар бажарилишини назорат қилиш. Буюртмалар сони ва уларнинг бажарилиш муддатлари моддий - техник таъминот бўлими томонидан назорат қилинади. Бунда материалларнинг келиб тушиш графиклари ўзгартирилиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш графиклари учун мос тузатишлар киритилиши мумкин.

¹⁶ Зеваков А. М. Логистика материальных запасов и финансовых активов. - СПб.: Питер, 2015. – 352 с.

Харид қилиш жараёнининг тугатилиши. Буюртма берилган материалларни шартнома шартларига мувофиқ тарзда бажарилиши савдо операцияси тугатилишининг муҳим белгисидир. Маҳсулотни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга, бу жараён давомида материалларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- талаб этилган сифатга эга бўлиши;
- сўралган миқдорда бўлиши;
- айтилган вақтда етказиб берилганлиги;
- келишилган нархдан қиммат бўлмаслиги.

Савдо сотиқ мос ҳолда расмийлаштирилади. Келиб тушишларни расмийлаштириш етказиб берувчидан тушириш вақтида хат ва кузатув хатини олишни кўзда тутаяди, бу хатларда маҳсулотларнинг сони ва келиб тушиш вақти кўрсатилади. Омборга материалларнинг келиб тушиши махсус накладной (юк хати) лар орқали ҳужжатлаштирилади ва маҳсулотларни рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

II-боб бўйича хулоса.

Етказиб берувчилар ва материаллар ҳақида маълумотлар олишнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: шахсан сотувчининг ўзи билан алоқалар; реклама нашриётлари, каталоглар ва проспектларда бериладиган маҳсулотнинг тузилиши ҳақида маълумотлар; корхоналарга ташрифлар ва маҳсулот етказиб бериш амалиётини ўрганиш; банклар, савдо уюшмалари, давлат муассасаларидан олинган маълумотлар ва ҳоказо. Барча манбаларни ўрганиш натижасида, мустаҳкам номга эга бўлган етказиб берувчилар рўйхати тузилади. Кейин материаллар нархи ва етказиб бериш муддатлари нуқтаи назаридан энг қулай шароитларни таклиф этаётганлари танлаб олинади. Йирик буюртмаларни иккита ва ундан кўп етказиб берувчилар ўртасида бўлиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади, бу асосий етказиб берувчини рақобатбардошлилигини текшириш ва кутилмаган ҳоллардан ўзини ҳимоялаш имконини беради.

III-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида харид логистикасида моддий оқимлар харакатини бошқариш усулларини такомиллаштириш

3.1. Логистикада моддий оқимлар харакатини бошқаришни такомиллаштириш

«Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийтимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир»¹⁷

«Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айти пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади. Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди. 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди. Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўн та давлат қаторидан жой олди .

¹⁷ И.А.Каримов. 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган маърузалари .16.01.2016 йил “Халқ сўзи” газетаси.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб

- 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурининг асосий қоида ва йўналишларини сўзсиз бажариш бўйича бошланган ишларни 2016 йилда ҳам давом эттириш энг муҳим вазифа
- Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг принципиал муҳим йўналиши
- иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.

Жахон тажрибаси шуни кўрсатадики илмий технологик ҳудудлар (технологик парклар, технополислар, илмий парклар, технологик марказлар ва бошқалар). Улар материал ва меҳнат ресурсларини ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида саноат учун юқори даражали янги технологияларни яратиши ва киритишини тезлаштириш учун юқори даражали янги иш ўринларини яратиш мақсадида ташкил қилинади; импорт ишлаб чиқариш ҳудудлари: импортни жойлаштириш бўйича ҳудуд. Улар қабул қилувчи

мамлакатларни янги товарлар билан маҳаллий корхоналарни эса замонавий технологиялар билан таъминлашга мўлжалланган;

9-Жадвал.

Логистика марказларининг турли даврларда бажарган функциялари¹⁸

1960 – 1970 йиллар	1980 – 1990 йиллар	1990 – ҳозирги кунда
		Товар-моддий захиралар(ТМЗ)ни Бошқариш Дистрибуция Хизматлари (мамлакат / глобал даражада)
		Импорт клиренс (чегарадан ўтказиш харажатларини тўлаш)Кириувчи юкларни етқазиб бериш
Қабул қилиш	Қабул қилиш	Қабул қилиш
Сақлаш	Сақлаш	Сақлаш Инвентарларни бошқариш ва назорат қилиш Юк жўнатиш жадвалини тузиш
Буюртма устида ишлаш Ҳисоборт бериш Юкни жойига бориб олиш	Буюртма устида ишлаш Электрон маълумот алмашуви / Ҳисобот бериш Юкни жойига бориб олиш	Буюртма устида ишлаш Ҳисоборт бериш Юкни олиш/етқазиб бериш
Буюртмаларни йиғиш Қадоқлаш	Буюртмаларни йиғиш Қадоқлаш	Махсулотни жамлаш Буюртмаларни йиғиш Қадоқлаш
Маркировкалаш	Маркировкалаш	Маркировкалаш
Юк жўнатиш Хужжатлаштириш	Юк жўнатиш Хужжатлаштириш Чиқувчи юкларни	Юк жўнатиш Хужжатлаштириш Чиқувчи юкларни етқазиб бериш Экспорт юкларни

¹⁸ Nodir Jumaniyazov, Ph.D. Creating multi-modal logistics centers: Prospect for development in central Asia. Perspectives of Innovations, Economics & Business, Volum 6, Issue 3, 2014. www.pieb.cz

	етқазиб бериш	хужжатлаштириш Эркин Иқтисодий Зона операциялари ИТ/ИС хизматлари Фрахта баҳоси бўйича келишув Курьер / маршрутларни танлаш Юк бўйича даъволарни бошқариш Фрахта аудити / тўлов Хавфсизлик аудити/текширишлар Нормативларга мувофиқликни текшириш Фаолиятни баҳолаш Мижозлардан қайтган товарлар Мижозларга тўлов талабномасини юбориш
--	---------------	---

- савдо - омбори ҳудудлари: хориж товарлари божхона божи тўловларисиз сақланиши, сотилиши ва сотиб олиниши мумкин;

- экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари: саноат корхоналари импорт хом - ашёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланиш ёки маҳаллий хом - ашёни ишлатган ҳолда, хорижий технология, ускуна ва бошқа ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш орқали экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарадилар.

Бозор муносабатларининг ривожланишига логистиканинг таъсири шундай баҳоланадики, у маҳсулот ишлаб чиқарилишидан то унинг истеъмолигача бўладиган моддий оқимларни ташкил этиш ва бошқаришга қўйиладиган логистика талаблари маҳсулот етказувчи билан истеъмолчи ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Ўзининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида етказиб берувчи, ҳам ҳамкор – истеъмолчи талабларини бажаришга, ҳам маҳсулотни етказиш бўйича

шартнома муносабатлари ривожланиши учун шароитларни яхшилашга интилади.¹⁹ Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши, маҳсулот таннархини кескин суръатларда пасайтириши ва маҳсулот ассортиментини кўпайтириши лозим. Бунинг учун маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни камайтириш йулларини излаб топиши лозим. Бу васифаларни бажариш учун энг аввало маҳсулот ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологиялардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Конун асосида давлат органларига зарур бўлган аниқ молиявий ҳисобот учун ўзига хос бухгалтерлик ахборотини йиғиш ва тақдим этиш имконини берадиган қўшма ҳукукий база сифатидаги мажбурий меъёрий ҳужжатлар яратилади. Ўзбекистон Республикасида логистика соҳасига нима сабабдан кечроқ эътибор берилганини Осиё Тараққиёт Банкининг мамлакатлар бўйича ҳисоботидан (инглизча *country report*) билиб олишимиз мумкин. Юқорида тилга олинган нуфузли банкнинг Ўзбекистон иқтисодиёти бўйича тайёрлаган ҳисоботида²⁰ келтирилишича, дастлабки мустақиллик йилларимизда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибининг қариеб 85 фоизи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобига тўғри келган. Қолган 15 фоизи саноат ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ташкил этган. Орадан йигирма йил ўтгандан кейин ўтқазилган худди шундай таҳлил шуни кўрсатдики, эндиликда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг 80-87% саноат ишлаб чиқаришига тўғри келмоқда. Бу эса, ўз ўзидан логистикани республикада ривожлантиришнинг заруриятини, унга иқтисодиётда жуда ўткир эҳтиёж пайдо бўлганидан далолат беради. Мамлакат ишлаб чиқарган ялпи ички маҳсулоти қанчалик сармоя ва малака талаб кўп қиладиган товар ва маҳсулотларни ташкил қилса, логистикага шунчалик талаб ва эҳтиёж ортиб бораверади.

¹⁹ www.gov.uz

²⁰ www.adb.com – Осиё Тараққиёт Банки расмий сайти.

Логистика айниқса кўп малака ва сармоя талаб этадиган, шунингдек конвер усулида ишлаб чиқаришда кенгрок қўлланилади. Масалан, самолётсозлик, автомобилсозлик ва бошқаларда. Республикамизда логистикани янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ – 1446-сонли Қарори²¹ 2010 йилда қабул қилинди. Ушбу Қарор бундан йигирма йил олдин қабул қилиниши ҳам мумкин эди аммо у даврда, юқорида айтиб ўтганимиздек, миллий иқтисодиётимиз асосан аграр соҳага таяниб қолган эди ва логистика талаб этиладиган конвер усулида ишлаб чиқаришлар, дейлик автомобил, уй-электр жихозлари, эҳтиёт қисмлар, хай-тек аппаратлари ишлаб чиқаришлари йўқ эди.

Хозирги жаҳон иқтисодиёти молиявий-иқтисодий кризисни бошидан кечираётган бир пайтда логистиканинг ахамияти янада ортади, бундай дейишимизга сабаб, айнан логистикадан унумли фойдаланиш ишлаб чиқарилган махсулот ёки хизмат уни охирги истеъмолчисига имкон қадар арзонроқ нархларда етказиб бериш имконини беради. Илғор хорижий мамлакатларда **тежамкор ишлаб чиқариш** (*инглизча Lean Production*) усулидан кенг фойдаланилади. Ушбу усулнинг замирида ҳам логистика ётади. Корхоналар миқёсида олсак, логистика ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришдан ташқари, ишлаб чиқарилган товарларнинг юқори сифатли бўлиши ва ишончли бўлишига сабаб бўлади.

Республикамизда логистика соҳасини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қатор Қарорлар қабул қилинмоқда. Жорий йилда Жиззах ва Сирдарё вилоятлари чегарасида махсус индустриал зона (МИЗ) ташкил қилинди. Бундан бир оз аввал, Наманган вилоят Поп туманида темир йўл станцияси базасида махсус индустриал зона (МИЗ) ташкил қилинди. Булардан ташқари, Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги махсус логистик марказ ва Навоий вилояти “Навоий” халқаро аэропорти яқинида Эркин индустриал – иқтисодий зона(ЭИИЗ) фикримиз

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги ПҚ – 1446-сонли Қарори

далилидир. Соҳани янада ривожлантириш мақсадида республикамизда етарли меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Энди эса, мазкур меъёрий ҳужжатларни амалиётда кенг қўллаб логистика ривожланган илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиб, олса бўладиган қисмини Ўзбекистонда қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3.2. Моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш усуллари қўллаш бўйича баъзи муаммолар

“Инқирозга қарши чоралар дастури”²² мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари. Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирлар қуйидаги **асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган:**

- Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш (авваламбор, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган корхоналар учун)

- Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш

- Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарни рақобатбардошлигини ошириш (етақчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини 20 %га тушириш)

- Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш

- Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва шу асосда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш. Иқтисодий ҳолат ўзгаришининг оқибатларидан бири бўлиб, барча турдаги корхоналар мавжуд захираларни, шу жумладан, хомашё ва материаллар, пировард маҳсулотлар захираларини бошқариш ва сақлаш

²² 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ-1442., 15.12.2010 й.

сиёсатини қайта кўриб чиқишларига олиб келади.

Агар қандайдир корхона товар захираларига эса бўлса, унда ушбу товарларга сарфланган капитал “музлатилади”, яъни капитал ҳаракатдан тўхтайдди. Ушбу капиталдан фойдаланиб бўлмайди, у корхона учун тўланмаган фоизлар ёки инвестицияни амалга ошира олмаслик имкониятлари шаклидаги йўқотилган қиймат кўринишида намоён бўлади. Бундан ташқари захираларнинг мавжудлиги маълум харажатларни келтириб чиқаради, чунки захираларни сақлаш учун алоҳида шароитлар яратиш ва зарур майдонлар ажратиш керак; захираларни бошқарувчи ходимларга иш ҳақи тўлаш лозим; захиралар суғурталанган бўлиши лозим ва ҳ.к.

Шу муносабат билан исталган корхонанинг мақсади бўлиб, имкон даражасида камроқ захираларни сақлаш ҳисобланади. Бироқ, бошқа ҳолатларни ҳам кўзда тутиш лозим. Истеъмолчилар томонидан маҳсулотга бўлган талаб кўп ҳолларда ноаниқликка эга. Шунинг учун ҳам захира даражаси қанчалик кам бўлса, маҳсулотнинг тақчил бўлиш (етишмаслиги) эҳтимоли ҳам ортиб боради. У ёки бу маҳсулотнинг тақчиллиги ўз-ўзидан корхона учун ишлаб чиқариш соҳасида айрим зарарларни келтириб чиқаради ёки потенциал миқдорлардан айрилишга олиб келади.

Захираларни бошқариш моделлари.

Товар захираларини бошқариш масаласи деганда шундай оптималлаштирувчи масала тушуниладики, унда қуйидаги ахборотлар мавжуд бўлади:

- товарни етказиб бериш тўғрисида;
- товарга бўлган талаб тўғрисида;
- товар захираларини сақлаш шартлари ва харажатлари тўғрисида;
- оптималлаштириш мезони тўғрисида.

Авалло ташқи етказиб берувчидан деталлар ҳажмига буюртма бериш билан боғлиқ ёки деталлар ҳажмини ишлаб чиқариш билан боғлиқ захираларни бошқариш муаммосини кўриб чиқамиз. Бу ҳолатда ишлаб

чиқаришни ташкил этиш ёки буюртмаларни бериш сиёсати бўлиб, умумий харажатларни минималлаштириш ҳисобланади. Агар корхоналарда захираларни бошқариш тизими етарлича мураккаб бўлса, уни моделлаштиришда имитацион усуллардан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир ҳолат учун моделлаштириш жараёнининг мақсади бўлиб, қарор қабул қилувчи шахсга баъзи мезонларни ҳисобга олган ҳолда захира даражаси ва уни келтириш муддатларини аниқлашга ёрдам бериш ҳисобланади. Захираларни бошқаришнинг исталган тизимида буюртмаларни бериш моделнинг циклилигига мос равишда ўзгаради. Захиралар даражасининг камайиши жараёни мос келувчи талаб модели асосида аниқланади. Захираларни тўлдириш учун айрим нуқталарда янги буюртма берилади. Айрим вақт ўтгандан кейин, яъни *етказиб бериш вақти* деб аталувчи вақтдан сўнг, буюртмалар қабул қилинади ва захиралар даражаси ортади. Бундан сўнг эса захираларнинг янги цикли бошланади.

Корхоналарда логистик фаолиятнинг икки жиҳати ажралиб туради.

Биринчиси *саноат инжениринги* тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, транспорт воситалари ва омборларни ишлатиш, юклаш мосламаларини ишлатиш ва танлаш, қадоқлаш усули, ахборот бошқарув тизимларининг ишлаш муаммоларини ечади.

Иккинчи жиҳат *моддий оқимларни* макро ва микро даражаларда бошқариш ва ташкил этишнинг ўзига тегишли бўлиб, логистик тизимнинг амал қилиш жараёнида ҳар хил омилларнинг ўзаро таъсиритаҳлилига асосланади.

Умуман, бозор иқтисодиётида логистикага корхона бошқарувининг бозорга йўналтирилганлигини таъминлаб берувчи тизим сифатида қаралади ва шу орқали корxonанинг истеъмолчи билан алоқаларни ўрнатиш фаолиятининг таркиби аниқланади.

Шу соҳада амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- бозорни ўрганиш ва аниқ турдаги маҳсулотларга бўладиган талабни башорат қилиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарилиши учун зарур бўлган моддий ресурсларни харид қилиш, захираларнинг ҳажми ҳақида қарорлар қабул қилиш ва захираларни бошқариш;
- ишлаб чиқаришда моддий оқимларни ташкил этиш;
- товар тақсимотини ташкил этиш;
- тайёр маҳсулотни қадоқлаш ва танлаш, уни аниқ манзилга ташиш, истеъмолчига маҳсулотни етказиб бериш, зарур бўлган хужжатларни чизмайлаштириш.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқаришнинг моддий - техник таъминоти соҳасида бир қатор муҳим ўзгаришларни юзага келтирди. Улар орасида энг муҳимлари қуйидагилардир:

- бозор томонидан талаб этилаётган, тез ўсувчи маҳсулот ассортименти таъсири;
- ишлаб чиқаришга янги маҳсулотни киритишга кетадиган вақтни қисқартириш ва шу йўл билан ассортимент кенгайтирилиши тезлаштириш;
- ишлаб чиқариш даври давомийлигини қисқартириш;
- бозорни зарур товарлар билан тўйдириш мақсадида ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кучайиши.

Бу ўзгаришларнинг барчаси, корхонанинг ҳар хил турлари – ишлаб чиқариш, иқтисодий, молиявий фаолият кўпроқ моддий - техник таъминотга боғланишига олиб келди. Таъминот тизимида самара бермаётган кенг зоналар мавжудлиги, уларни рационаллаштириш эса катта иқтисод бериши мумкинлиги аниқ бўлди. Ишлаб чиқаришининг моддий таъминот жараёнларини ташкил этишга ва уларни бошқаришга янгича ёндашувларни амалга ошириш зарурияти туғилди.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш ишлаб чиқариш буюртмаларининг бажарилиши, ресурслар ва истеъмол талаби ҳақидаги маълумотлар асосида амалга оширилади (9-чизма).

9–чизма.

Моддий оқимларни бошқариш жараёнида қўлланиладиган асосий маълумотлар



Манба: Беляев В.И. Маркетинг: основы теории и практики: учебник / В.И. Беляев. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2013. – 680 с.

Сотиш ва таъминот бозоридан келиб тушадиган маълумотлар асосида ишлаб чиқариш, моддий таъминот ва тайёр маҳсулотларни сотишнинг комплекс режаси тузилади, бу режа асосида буюртмаларнинг бажарилиши билан боғлиқ фаолият ташкил этилади. Текшириш натижалари асосида ишлаб чиқариш буюртмаларини бажариш графигидан четлашишларни

йўқотишга қаратилган бошқарув қарорлари ишлаб чиқилади. Шундай қилиш моддий оқимларни бошқариш тизимида маълумотнинг айланиши амалга оширилади ва тесқари алоқа билан бошқаришнинг берк контури шаклланад

3-боб бўйича хулоса

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида логистикани, хусусан, харид логистикасини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига чиқмоқда. Жаҳон иқтисодиётида глобаллизация ва интеграция жараёнлари жуда тез суръатларда содир бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида мамлакатларнинг ва компанияларнинг янада рақобатбардош бўлишларини талаб қилмоқда. Ушбу йўлда корхона ва давлатларга таққослама афзаллик (инглизча *competitive advantage*) салоҳиятини харид логистикаси бера олади. Шунинг учун биз логистика соҳаси ўта ривожланган хорижий давлатлар – Германия, Жанубий Корея, Сингапур, Япония, АҚШ, Голландия каби мамлакатларнинг соҳа бўйича босиб ўтган ҳаётий тажрибаларини ҳам назарий, ҳам амалий ўрганиб чиқишимиз жуда катта фойда келтиради. Улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, малака алмашиш, тажриба алмашиш каби тадбирларни тез-тез амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ва таклифлар

Харид логистикаси амалиётда корхонанинг молиявий ва иқтисодий самарадорлигини оширишда энг муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Республика иқтисодиётида чакана савдонинг роли ва аҳамияти йил ўтган сари ошиб бормоқда. Моддий оқимлар ташиш, омборга жойлаштириш ва хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда тайёр маҳсулотлар билан бошқа моддий амалларни бажариш натижасида юзага келади. Ишлаб чиқаришнинг аниқ манбаидан то истеъмолчигача бўлган ораликда жойлашган бир турдаги ресурслар йиғиндиси оддий моддий оқимни юзага келтиради. Корхонада шаклланадиган бир нечта оддий оқимлар корхонанинг меъёрий фаолиятини таъминлаб берувчи интеграллашган моддий оқимни ташкил этади. Буни биз чакана савдони мамлакат ялпи миллий даромад қисмида ошиб бораётганидан ҳам билишимиз мумкин. Ҳозирги кунда, шунингдек, аҳолининг катта қисми айнан иқтисодиётнинг чакана савдо секторида фаолият юритмоқда. Чакана савдо бутун иқтисодиёт тизимининг тежамли ва самарали ишлаши учун шароит яратади. Иқтисодиётимиз жадал тарзда ривожланар экан, бу йўлда мамлакатимизда логистика ва инфратузилмани мунтазам равишда ривожлантириб бориш талаб этилади. Ушбу мақсадда қатор халқаро хорижий ташкилотлардан, хусуан, европа Таққайёт ва Ривожланиш Банки, Жаҳон Банки, Халқаро Валюта Жамғармаси, Осиё Тараққиёт Банки ва Ислом Тараққиёт Банки каби молиявий институтлардан қўшни давлатлар билан Ўзбекистонни туташтирувчи автомагистраллар, темир йўллар қурилмоқда. Буларнинг барчасини замирида Ўрта Осиё худудида, умуман, Осиё ва Европа, шунингдек дунёнинг бошқа бурчаклари билан транспорт алоқаларимизни ривожлантириш мақсад қилиб қўйилган. Йўллар обод бўлса, савдо-сотик ўз – ўзидан ривожланади. Бундан давлат ҳам, халқ ҳам манфаат кўради.

Харид логистикасини самарадорлигини ошириш йўллари (Ўзбекистон савдо саноат палатаси мисолида) ёзилган мазкур битирув малакавий иши

мавзусининг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда куйидагиларни таклиф қиламиз:

- ✓ Мамлакатимизда логистика мутахассислиги тайёрловчи олийгохларни хорижий ушбу соҳа ҳамкорлари билан алоқасини ўрнатиш ва талаба ва ўқитувчиларни хориждаги илғор логистик олийгох ва компания, логистик марказларида тажриба алмашишларини қўллаб қувватлаш;
- ✓ Асосан хориж тилида бўлган логистикага доир китоб ва материалларни ўзбек тилига таржима қилиш ва талабаларга етказиш чора-тадбирини кўриш;
- ✓ Чакана савдо, шунингдек бошқа кўринишдаги савдо ташкилотлари фаолиятларида товарларни инвентаризация қилишда ахборот технологияларининг илғор ютуқларидан фойдаланиш.
- ✓ Республикамизда ташкил этилган эркин индустриал ва иқтисодий ҳудуд, махсус индустриал ҳудудларни хорижий ахборот воситаларида реклама қилишни йўлга қўйиш ва шу орқали иқтисодиётимизга хорижий сармоядорларни жалб этиш;
- ✓ Олийгох талабаларини тажрибаларини ошириш мақсадида юқорида санаб ўтилган ҳудудларга экскурсиялар ташкил этиш;
- ✓ Иқтисодиётнинг барча тармоқларида фойдаланилганда ўз манфаатини берадиган харид логистикаси соҳасини чуқурроқ ўрганиш ва ортирилган тажриба ва ютуқларни ҳаётга тадбиқ этиш;

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2010–40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. № ЎРҚ-319. -// Халқ сўзи 2012 йил 7 январь, №5.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. № ЎРҚ-327. // Халқ сўзи, 2012 йил 27 апрель, №82.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) // Халқ сўзи, 2012 йил 3 май, №86.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.-// Халқ сўзи, 2012 йил, 11 апрель, №70.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. ПФ-4191-сон. -// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 9 сон – 2010- 9 март.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 апрелдаги Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 апрель.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1717-сонли «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури.2012 йил 27 февраль.
9. 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ-1442., 15.12.2010 й.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 06.03.2015 даги “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастури тўғрисида” ги қарор

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари

14. О мерах по дальнейшему развитию и модернизации предприятий текстильной промышленности и расширению производства отечественных непродовольственных потребительских товаров на 2009-2011 годы. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 августа 2009 года № 236 //Собрание законодательства Республики Узбекистан – 2009. - № 34. – 372 с.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби” тўғрисида Қарори//Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 54 – сон, 1999 декабр. – Т.:Ўзбекистон. Адлия вазирлиги., 2000.– 15-20 б. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг

таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ. 1999 йил 5 февраль. – Т.: Ўзбекистон, 1999.- 92 б.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

16. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.

17. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

18. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 12 ноябрь (№ 220).

19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

20. Каримов И.А. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

21. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2015 йил 8 декабрь, №238.

V. Дарсликлар

22. Беляев В.И. Маркетинг: основы теории и практики: учебник / В.И. Беляев. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2013. – 680 с.

23. Данько Т.П. Управление маркетингом: Учебник. 3-е изд., перераб. И доп. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 363 с.

24. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы / Н.С. Носова.- 2-е изд. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰»; Саратов: ООО «Англейс», 2014.- 256 с.
- 25.Федько В.П., Федько Н.Г. Маркетинг – Ростов н/Д: «МарТ», 2015, 130с
- 26.Крылова Г.Д., Соколова М.И. Маркетинг. Практикум: учеб.пособ. – М.: ТК Велби, изд-во Проспект, 2013, 216с
- 27.Неруш Ю.М. Логистика: Учебник для вузов. — 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2011. - 389 с.
28. Соловьев Б.А., Мешков А.А., Мусатов Б.В. Маркетинг: Закупочная логистика. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2015. – 336 с.
- 29.Қосимова М.С., Юсупов М.А., Эргашходжаева Ш.Ж.Маркетинг. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. 287 б.
30. Фатхудинов Р.А. Стратегический маркетинг. Учебник. - Спб.: Питер, 2012. -514 с.
31. Секерин В.Д. Инновационный маркетинг: Учебник. – М.:ИНФРА – М, 2015. – 238 с.

VI. Ўқув қўлланмалар

- 32.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – “Ўқитувчи” НМИУ, 282 б.
- 33.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2014. – 281 б.

34. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа, Т.: “Иқтисодиёт” 2015.-281 б.
35. Асадуллина Н.Р. Формирование концепции логистического подхода в управлении отраслевым комплексом в условиях модернизации экономики. Т.: Фан, 2008, 163 с.
36. Бўриев Ҳ.Ч., Саматов Ғ.А., Рустамова И.Б. Агрологистика асослари. Т.: ТошДАУ, 2013. - 270 б.
37. Дадабоев Қ.А. Логистика. Т.: Молия-иқтисод, 2012. – 236 б.
38. Джеймс С. Джонсон, Дональд Ф. Вуд., Дэниел Л. Вордлоу, Поль Р. Мэрфи-мл. Современная логистика, 7-е издание: Пер. с англ. — М. : Издательский дом Вильямс", 2014. — 624 с.
39. Зеваков А. М. Логистика материальных запасов и финансовых активов. - СПб.: Питер, 2015. – 352 с.
40. Лавлок К. Маркетинг услуг: Персонал, технологии, стратегия, 4-е изд.: пер. с англ. - М.: Издательский дом “Вильямс”, 2015.
41. Неруш Ю. М. Логистика в схемах и таблицах : учеб. пособие. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2014. - 192 с.
42. Кревенс Дэвид. Стратегический маркетинг. Учебное пособие - М.: изд. дом. «Вильямс», 2010. – 742 с.
43. Саркисов С.В. Управление логистикой: Учеб. пособие. - М • Дело, 2014. - 368 с.
44. Харрисон Алан, Ван Хоук Ремко. Управление логистикой: Разработка стратегий логистических операций. - Днтропетровск: Баланс Бизнес Букс, 2013. -368 с.
45. Умарова Д.М., Бўронова М.А. Логистика. Ўқув қўлланма. Т.: Тош ДТУ, 2012. 147 б.

VII. Статистика тўпламлари маълумотлари ва Интернет сайтлари

46. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1995-2015 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2015-2020 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. –Т.: Давлат Сатистика қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги, 2015.

47. “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси” нинг 2013-2015 йиллардаги статистик маълумотлари.

48. www.gov.uz

49. www.norma.uz

50. www.review.uz

51. www.cer.uz

52. www.cup.uz.

53. www.intrasen.org

54. www.stat.uz